

**АЛОУДДИН БУХОРИЙ XIV-XV АСРДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ  
БОРГАН ЕТУК КАЛОМ ОЛИМИ**

*Бахромов Суннатилла Ҳамиджон ўғли*  
*Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази*  
*катта илмий ходими*  
**sunbah.bahsun.701@mail.ru**

**Аннотация:** Мақолада Мовароуннаҳр ҳудудидан етишиб чиққан илм намоёндалари ва уларнинг илмий фаолиятлари таҳлил қилинади. Айниқса, калом, ҳадис, фикҳ ва бошқа фанларда буюк олимлар, жумладан Алоуддин Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳусусида сўз юритилади. Унинг турли хидоятлар, ёзган асарлари ва шахсий қарашлари ўрганилади. Мақолада, Бухорийнинг ҳаёти, сафарлари ва унинг исломий илмларга қўшиганди ҳиссасига оид тарихий маълумотлар муфассал тарзда ёритилади. Бу орқали, олимнинг калом, фикҳ ва таъриҳий соҳалардаги муҳим ўрнини янада аниқлаштириши мақсад қилинади.

**Калим сўз:** Алоуддин Бухорий, Мовароуннаҳр, калом илми, фикҳ, тарихий шахс, асарлар, ҳадис, исломий илмлар, сафар, адабиёт.

Барча илмий жабҳалар ривожининг аввалги қаторларига эътибор қилинадиган бўлса, уларнинг аввалида илм намоёндалари, кўплаб олимлар, ҳусусан Мовароуннаҳр ҳудудидан етишиб чиққан алломалар турганини кўриш мумкин. Бугунги кунда дунё ўқув юртларида ўқитиладиган алгебра фани асосчиси Мусо Хоразмий (164-232/781-847), архитектура соҳасида ўрганмай бўлмайдиган, ер ўлчовларини тадқиқ қиласидиган геодезия фани “иҳтирочиси” Аҳмад Фарғоний (ваф. 247/861), ер шари глобусини биринчилардан бўлиб ясаган Абу Райхон Беруний (362-440/973-1048), тиббиёт соҳасининг юқорисида турувчи Ибн Сино (370-427/980-1037), ўзи араб бўлмасада араб тили грамматикаси юзасидан ёзган асари орқали, ҳатто араблар ҳайратини қозонган Абул Қосим Маҳмуд Замахшарий (467-538/1075-1144) сингари олимлар номини ёдга олишнинг ўзи юқоридаги фикрни қўллаб-куватлайди.

Маълумки ушбу юртдан етишиб чиққан забардаст олимлар турли соҳаларда фаолият олиб борган. Улар нафақат бу соҳаларда, балки ҳадис, калом, фикҳ, усул ал-фиқҳ, тафсир ва бошқа кўплаб илмларда ҳам топилади. Юқорида номлари тилга олинган олимларнинг барчаси ҳам ушбу соҳалар борасида катта билимга эга бўлган, ҳатто баъзиларининг бу борада илмий асарлари ҳам машҳур. Абу Али Ибн Синонинг “Тафсир сурә ал-ихлос”<sup>1</sup>, Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” номли асари бунинг яққол далилидир. Шунга қарамай ушбу алломалар ҳадис, калом, фикҳ, тафсир соҳасидан кўра, юқоридаги фанлар борасида машҳурроқ даражага кўтарилиган. Асли Қуръон ва ҳадис бўлган соҳаларда эса бу юртдан етишиб чиққан бошқа олимлар юқори даражаларга эриша олган. Фикҳ илмини Мовароуннахр худудига кириб келишининг асосий сабабчиси бўлган Абу Ҳафс Кабир Бухорий (150-217/767-832), ҳадис илмида ўз ўрнига эга, асари ҳадис олимлари томонидан “энг ишончли ҳадис манбаси” дея эътироф қилинган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (194-256/810-870), “Хидоят байроғи”, “Мусулмонлар эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлган Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) каби номларни эшигтан киши борки, бу ўлка нафақан аниқ фанлар балки, диний фанлар борасида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллашига шубҳа қилмайди.

Ушбу мақолада шундай олимлардан бири, калом илмида ўз ўрнига эга бўлган, кейинги авлодга бир қанча фойдали асарлар ёзиб қолдирган Алоуддин Бухорий хусусида сўз юритилади. Унинг ҳаёт-фаолияти, қолдирган илмий меъроси, шахсияти ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилади.

Бир қанча табақот ва тарожим асарларида келган маълумотлар орқали олимнинг илмий шахсиятини шакиллантириш мумкин. Бу борада Шамсуддин Абул Маҳосин Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Ҳамза Ҳусайнининг (715-765/1315-1364) “Зийлу тазкират ал-хуффаз лиз-Заҳабий” асари<sup>2</sup>, Ибн Ҳажар

<sup>1</sup> Абу Али Ибн Сино. Тафсир сурә ал-ихлос. Честер Беттий қўёзмаси, Р: 3045.

<sup>2</sup> Шамсуддин Абул Маҳосин Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Ҳамза Ҳусайний. Зийлу тазкират ал-хуффаз лиз-Заҳабий // Закариё Умайрот таҳқики. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998. – Б. 315.

Асқалонийнинг (773-852/1372-1449) “Инбаъу ал-ғумар би-абнаъи ал-умур”<sup>3</sup> номли асари, Ибн Тангрибердининг (813-874/1410-1470) “ан-Нужум аз-зоҳира фи мулук Миср ва ал-Қоҳира”<sup>4</sup> номли асари, Шамсуддин Абул Ҳойр Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Саховийнинг (831-902/1427-1497) “аз-Зовъу ал-ламиъ ли-аҳли ал-қорн ат-тасиъ”<sup>5</sup> асари, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иёс Ҳанафийнинг (852-930/1448-1524) “Бадоъи аз-зухур фи вақоъи ад-дуҳур”<sup>6</sup> асари, Жалолиддин Суютийнинг (849-911/1445-1505) “Ҳусну ал-муҳазоро фи тарихи Миср ва ал-Қоҳира”<sup>7</sup> ҳамда “Буғяту ал-вуъат фи тобақот ал-луғавийин ва ан-нуҳат”<sup>8</sup> асарлари, Шиҳобиддин Абул Фалаҳ Абдулҳай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иъмоднинг (1032-1089/1623-1679) “Шазарот аз-заҳаб фи ахбари ман заҳаб”<sup>9</sup> номли асари, Исмоил Пошо Бағдодийнинг (1255-1339/1839-1920) “Ҳадият ал-орифин”<sup>10</sup> асари ҳамда Хайриддин Зириклийнинг (1310-1396/1893-1976) “ал-Аълам”<sup>11</sup> сингари асарларида келтирилган маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Олимнинг тўлиқ исми Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Ҳанафий бўлиб, Шамсуддин Саховийнинг “аз-Зовъу ал-ламиъ ли-аҳли ал-қорн ат-тасиъ” асарида “Алоуддин” лақаби “Аъло Бухорий”

<sup>3</sup> Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Каноний Асқалоний. Инбаъу ал-ғумар би-абнаъи ал-умур // Ҳасан Ҳабаший таҳқиқи. – Миср: ал-Мажlis ал-аъла лиш-шуъун ал-исламия, 1969. – Ж. 4. – Б. 83. Кейинги ўринда: Ибн Ҳажар Асқалоний. Инбаъу ал-ғумар. – Ж. – Б.

<sup>4</sup> Юсуф ибн Тангриберди Абдуллоҳ Зоҳирий Ҳанафий. Ан-Нужум аз-зоҳира фи мулук Миср ва ал-Қоҳира // Иброҳим Али Торхон таҳқиқи. – Миср: Дор ал-кутуб, 1971. – Ж. 15. – Б. 214-215. Кейинги ўринда: Ибн Тангриберди. Ан-Нужум аз-зоҳира. – Ж. – Б.

<sup>5</sup> Шамсуддин Абул Ҳойр Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ ли-аҳли ал-қорн ат-тасиъ // Муҳаққиқи номаълум. – Байрут: Дар ал-жийл, йили номаълум. – Ж. 9. – Б. 291. Кейинги ўринда: Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ. – Ж. – Б.

<sup>6</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иёс Ҳанафий. Бадоъи аз-зухур фи вақоъи ад-дуҳур // Муҳаммад Мустафо таҳқиқи. – Макка: Мактаба дар ал-боз, йил. – Ж. 2. – Б. 181.

<sup>7</sup> Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Жалолиддин Суютий. Ҳусну ал-муҳазоро фи тарихи Миср ва ал-Қоҳира // Муҳаммад Абул Фазл Иброҳим таҳқиқи. – Миср: Дор ихё ал-кутуб ал-арабия, 1967. – Ж. 1. – Б. 549. Кейинги ўринда: Жалолиддин Суютий. Ҳусну ал-муҳазоро. – Ж. – Б.

<sup>8</sup> Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Жалолиддин Суютий. Буғяту ал-вуъат фи тобақот ал-луғавийин ва ан-нуҳат // Муҳаммад Абул Фазл Иброҳим таҳқиқи. – Ливан: Мактаба ал-аъсрия, 1965. – Ж. 2. – Б. 200. Кейинги ўринда: Жалолиддин Суютий. Буғяту ал-вуъат. – Ж. – Б.

<sup>9</sup> Шиҳобиддин Абул Фалаҳ Абдулҳай Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иъмод. Шазарот аз-заҳаб фи ахбари ман заҳаб // Абдулқодир Арнаут таҳқиқи. – Байрут: Дор ибн Касир, 1993. – Ж. 9. – Б. 351. Кейинги ўринда: Шиҳобиддин Абул Фалаҳ. Шазарот аз-заҳаб. – Ж. – Б.

<sup>10</sup> Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. – Байрут: Muassasa at-tarix al-arabiy, йил. – Ж. 2. – Б. 191. Кейинги ўринда: Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. – Ж. – Б.

<sup>11</sup> Хайриддин Зириклий. Ал-Аълам. – Байрут: Дор ал-илм лил-малайн, 2002. – Ж. 7. – Б. 46-47.

кўринишида ифодаланган. Ибн Тангриберди ўзининг “ан-Нужум аз-зоҳира” асарида: “Баъзи олимлар уни “Али” дея номлаган, (лекин) бу хатодир”, деб айтади<sup>12</sup>. Ибн Тангриберди “хато”, деб ибн Ҳажар Асқалоний келтирган маълумотга ишора қилганини англаш қийин эмас. Зеро, Асқалоний “Инбаъу ал-ғумар би-абнаъи ал-умур” асарининг икки ўринида Алоуддин Бухорий хусусида тўхталиб ўтади. Ушбу икки ўриннинг биринчисида олим номини “Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад... Бухорий” тарзида келтирган бўлса<sup>13</sup>, бошқа ўрнида “Алоуддин Бухорий”<sup>14</sup> кўринишида ифодалаган. Шунингдек, Жалолиддин Суютий ҳам ўзининг “Хусну ал-муҳазоро фи тарихи Миср ва ал-Қоҳира”<sup>15</sup> ва “Буғяту ал-вуъат фи тобақот ал-луғавийин ва ан-нуҳат”<sup>16</sup> номли асарларида олим исмини “Али” тарзида келтириб ўтган.

Юқорида таъкидланганидек, олим “Алоуддин Бухорий” ва “Аъло Бухорий” лақаби билан номланган бўлиб, “Абу Абдуллоҳ” унинг куняси ҳисобланади. Алоуддин Бухорийнинг таваллуди борасида барча манбалар бир вақтни, аниқроғи 779/1377 санани келтиради, лекин туғилган кун ва ой хусусида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Табақот асарлари олим таваллуд топган ҳудуд ҳақида аниқ маълумот келтириш ўрнига, “ажам”<sup>17</sup> юритида туғилгани ва Бухорода ўсиб-улғайгани тўғрисидаги маълумот билан кифояланган. Манбаларга кўра олим бир ҳудудда муқим яшамаган балки, кўплаб шаҳарларга кўчиб, ҳар бир ҳудудда бор йўғи 1-3 йил муддат истиқомат қилган. Жумладан, Алоуддин Бухорий биринчи навбатда Ҳиндистонга кўчиб, ўша ерда бир қанча вақт ҳаёт кечирган<sup>18</sup>.

Шамсуддин Саховий ушбу маълумотга бир оз аниқлик киритган ҳолда, Бухорий ҳозирги Ҳиндистондаги Андхра-Прадеш ҳамда Покистоннинг Ҳиндистондаги штати ҳисобланган Ҳайдаробод орасида жойлашган

<sup>12</sup> Ибн Тангриберди. Ан-Нужум аз-зоҳира. – Ж. 15 – Б. 215.

<sup>13</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Инбаъу ал-ғумар. – Ж. 9. – Б. 23.

<sup>14</sup> Ўша манба. – Ж. 9. – Б. 29.

<sup>15</sup> Жалолиддин Суютий. Хусну ал-муҳазоро. – Ж. 1. – Б. 549.

<sup>16</sup> Жалолиддин Суютий. Буғяту ал-вуъат. – Ж. 2. – Б. 200.

<sup>17</sup> Ажам – асли араб бўлмаган шахс.

<sup>18</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Инбаъу ал-ғумар. – Ж. 9. – Б. 23.

“Кулбаржа”<sup>19</sup> номли қадимий шаҳарда бир муддат яшаганини келтириб ўтган. Аллома Бухородан ташқаридағи илк яшаган ҳудуд айнан ҳинд диёри бўлгани ибн Ҳажар Асқалоний олимни: “Муҳаммад ибн Муҳаммад... Бухорий Ҳиндий”<sup>20</sup>, дея таништирганининг асосий сабаби бўлиши мумкин.

Бухорий ҳинд ўлкасида кўп вақт турмай, Макка шаҳрига кўчиб ўтган ва у ерда ҳам бир муддат мобайнида истиқомат қилган. Маккадаги фаолиятидан сўнг Миср томонга сафарга чиқиб<sup>21</sup>, ҳозирги пойтахти бўлган Қоҳира шаҳрида<sup>22</sup> бир қанча вақт мобайнида яшаган. Шундан сўнг ўша давр қозиси бўлган Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Наъим Бисотий (760-842/1359-1438) билан ораларида келиб чиқкан келишмовчилик туфайли Қоҳирадан Мисрнинг шимолий қисмидаги Думят шаҳрига кўчиб ўтади. Бухорий ҳамда қози Бисотий ўртасидаги келишмовчиликнинг асосий сабаби, олимнинг Муҳийиддин ибн Арабийни (558-638/1164-1240) куфрда айبلاغани бўлган. Бунинг кўриниши шундай бўлган:

“Ўша давр олимлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Ибн Арабий хусусида сўз юритилган бўлиб, унда у ёзган асарга мурожаат қилишдан қайтариш, ва унинг сўзларини гапириб юрадиган кишиларни куфрда деб билиш борасида келишилган. Алоуддин Бухорий буни ўртага ташлаганида Бисотийдан ташқари мажлисда қатнашганларнинг барчаси буни маъқуллаган. Ушбу мажлисда ибн Ҳажар Асқалоний ҳам иштирок этган. Мажлисда олимлар фикрига қарши бўлган Бисотий хусусида йиғилиш қатнашчилари томонидан: “У мунозарада ўз куч-кудратини кўрсатиб қўйишнигина истаган”, деган фикр билдирилган. Бисотий эса қарши чиқиши сабабини келтириб: “Инсонлар имом ибн Арабийни фақат айтган сўзининг зоҳирий маъноси туфайли рад қилмоқда. Аксини олганда, айтган сўзлари тўғри маънога талқин қилинса сўзларида эътиroz йўқ”, деган. Бу борадаги қарааш йиғилишда қатнашганлар ўртасига ташланганида, ибн Ҳажар Асқалоний: “Мен қуфрни

<sup>19</sup> Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ. – Ж. 9.– Б. 291.

<sup>20</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Инбауу ал-ғумар. – Ж. 8. – Б. 120.

<sup>21</sup> Ибн Тангриберди. Ан-Нужум аз-зоҳира. – Ж. 15 – Б. 215.

<sup>22</sup> Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ. – Ж. 9.– Б. 292.

келтириб чиқарадиган гапни очик-ойдин айтган кимсанинг сўзини тасдиқламаслик борасида Аъло билан бир фикрдаман. Аълонинг гапи “ваҳдату-л-вужуд”га эътиқод қиласидиганларни рад қилиш борасида айтилган. Бисотийнинг сўзи эса: “Сизлар “ваҳдату-л-вужуд” нима эканлигини билмасизлар”, деган эътибордан айтилган гапдир”, деди. Имом Аъло буни эшигтан заҳоти жаҳли чиқиб, бор овози билан: “Султон бўшатмаса ҳам (қозиликдан) айрилдингиз. “Сиз ҳам куфр хукмига тушиб қолдингиз! “Ваҳдату-л-вужуд”ни ёқлаган кишини қандай оқлаш мумкин ахир, бу жирканч куфр-ку. Аллоҳга қасамки, агар султон сени қозиликдан бўшатмаса, Мисрдан чиқиб кетаман”, деди. Шунда ўртада фитна қўзғалмаслиги учун Бисотийга мажлисни тарқ этиши айтилди. Бу хабар султоннинг қулоғига етиб боргач, қозини хузурига келтиришларини буюрди. Қозини султон хузурига келтиргандарида ўша мажлисда иштирок этган махфий котибидан Аъло олиб борган мажлис ҳақида сўраб олди. Шундан сўнг имом ибн Ҳажар Асқалоний ва Бисотий орасида ушбу масала борасида сухбат бўлиб ўтди. Натижада Бисотий ибн Арабий айтган гапидан бош тортгани ҳамда шундай эътиқодда бўлган кишини кофир деб билишини эълон қилган<sup>23</sup>, ибн Ҳажар Асқалоний эса унинг гапини тасдиқлаган. Шунда султон ибн Ҳажардан: “Энди унинг зиммасига қандай ҳукм чиқаришимиз вожиб бўлади? Аълонинг Бисотийни кофирга чиқариши қабул қилинадими? Уни бўшатамиزمи ёки шаръий жазо берамиزمи?”, деб сўради. Бунга жавобан ибн Ҳажар Асқалоний: “Содир бўлган воқеани эътироф этганидан кейин унинг зиммасига ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Эътироф қилганининг ўзи етади”, деди. Мажлис ниҳоясига етгач, султон имом Аълони муросага келиш ва сафаридан қайтаришни сўраш учун элчи жўнатди. Имом эса бу илтимосни қабул қилмай, сафар борасидаги қарори қатъий эканини билдириди. Шунда султон уни ўз ҳолига қўйиб,

<sup>23</sup> Мустафо ибн Абдулоҳ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун аън асомий ал-кутуб ва ал-фунун // муҳаққики номаълум. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-аробий, 1941. – Ж. 1. – Б. 222. Кейинги ўринда: Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Ж. – Б.

“Истаганингизни қилинг”, деди.”<sup>24</sup>.

Шу сабаб Қоҳирадан Думят томонга сафар қилган Бухорий, шогирдлари илтимосига кўра яна Қоҳирага қайтиб, 831/1428 йилга қадар шу ерда дарс бериш билан машғул бўлган. Кейинчалик ҳижрий 834 йил ёки ундан аввал Дамашқ шаҳрига кўчиб ўтиб, ўша ерда ўзининг “Фазиҳату ал-мулҳидийн” номли рисоласини ёзган ва унда ибн Арабий ҳақидаги воқеани баён қилган. Дамашқда яшаган даврлари инсонлар ундан “Ибн Таймия” номи билан машҳур бўлган Тақијуддин Абул Аббос Аҳмад ибн Абдулҳалим ибн Абдуссалом Ҳаронийнинг (661-728/1263-1328) фақат ўзига хос бўлган бир неча қарашлари ҳақида сўрашган. У эса ибн Таймиянинг бу қарашларидан хато деб билган ўринларини айтиб жавоб берар, у ҳақида аниқ бир хulosага келмагунча у борада бирор ҳукм чиқармас, баъзи сўзларини тасдиқлар, аниқ бир хulosага келгандан сўнг бидъат деб билган тушунчаларини очиқ айтар эди. Бухорийнинг мана шу иши хусусида ҳозирги даврнинг калом илмида кўзга кўринган олимларидан бири Саъид Абдуллатиф Фуда шундай изоҳ беради: “Ислом дини шайхлари, олим-у уламолари бидъатчи, муҳолиф бўлган кишиларга раддия беришда, қуфрға чиқаришни назарда тутмаяпман, мана шундай бўлишлари лозим. Аллоҳ розилигини истаган ҳар қандай инсон учун аниқ кўриниб турган залолат қаршисида жим туриш ёки кўрмаганликка олиш ёки залолат-у гумроҳлиги кўриниб турган кимсага хайриҳоҳлик қилиш ҳалол бўлмайди. Мана шу жиҳат эътиборидан ислом олимлари орасида имом Алоуддин Бухорийнинг даражаси улуг бўлиб, ҳатто у айтган сўзлари олимлар ичида қиличданда ўткир, адолатли ҳукм даражасида қабул қилинадиган бўлган. Қолаверса, ўзи яшаган даврнинг аксар кишилари, дин ҳукмига на мойил бўлган ва на рози бўлган инсонлар ҳам унга тан берган”<sup>25</sup>.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ибн Таймия хусусида аниқ бир хulosага келмагунига қадар бирор ҳукм чиқармаган олим ўзининг бир илм мажлисида

<sup>24</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Аъло Бухорий. Рисала фи ал-эътиқод // Саъид Абдуллатиф Фуда таҳқиқи. – Қувайт: Дор аз-зия, йил. – Б. 22-24. Кейинги ўринда: Алоуддин Бухорий. Рисала фи ал-эътиқод. – Б.

<sup>25</sup> Алоуддин Бухорий. Рисала фи ал-эътиқод. – Б. 28.

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

очиқ ҳолда: “Ким Ибн Таймияга нисбатан “у шайхул исломдир” деган таърифни ишлатса, у шу сўзи туфайли кофир бўлади”, деган<sup>26</sup>. Олим Дамашқдаги фаолиятидан сўнг умрининг сўнги вақтларида ҳозирги Сурияning Мизза шаҳрига бориб, шу ерда яшаган.

Табақот ва тарожим асарлари олимнинг оила аъзоларидан отаси, амакиси ва тоғасидан бошқа ҳеч бир киши хусусида маълумотни келтирмаган. Тарихчи олимлар Бухорий ўз отаси ва амакиси Аъло Абдурраҳмондан фикҳ илмини ўрганганини таъкидлайди<sup>27</sup>. Шунингдек ушбу асарнинг бошқа бир ўрнида: “Мавломиз, Аъло Бухорийнинг тоғаси Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Бухорий”<sup>28</sup>, деган маълумотни ҳам учратиш мумкин. Алоуддин Бухорий оила аъзолари орасидан маълум бўлган шахслар фақат шулардан иборат.

Илм йўлида кўп бора сафар қилган, олган илмини ўргатиш, фатво бериш, инсонларни тўғри йўлга йўллаш мақсадида насиҳат қилиш мазмунли ҳаёт кечирган Алоуддин Бухорий ҳижрий 841 милодий 1438 йили Рамазон ойининг 23 санаси пайшанбага ўтар кечаси (20.03.1438) Сурияning Мизза шаҳрида вафот топган. Барча таржимаи ҳол асарлари олимнинг айнан мана шу санада вафот этганини бир овоздан таъкидлаган.

Алоуддин Бухорий ақида борасида жуда қаттиқ услубни тутган олимлардан бўлиб, эътиқодий масалага бирор қўшимча киритилишни қаттиқ қоралар, қулоғига бирор бузук ақидани кўтариб чиқаётган кимса ҳақидаги хабар етиб боргудек бўлса, унга қаттиқ қаршилик қилар, бидъатчи тоифа ҳақидаги хабарни эшитса унга қарши шаръий ҳукум чиқаришдан ҳам қайтмаган. Ибн Арабий хақида ёритилган юқоридаги масала ҳам айнан мана шу қарашни янада қўллаб-қувватлади.

<sup>26</sup> Ўша манба.

<sup>27</sup> Шамсуддин Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ. – Ж. 9.– Б. 291.

<sup>28</sup> Ўша манба. – Ж. 7. – Б. 267.